

**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIY TA'LIM, FAN VA  
INNOVATSIYALAR VAZIRLIGI**  
**NAVOIY DAVLAT PEDAGOGIKA INSTITUTI**



**BOSHLANG'ICH TA'LIMNING DOLZARB  
MASALALARI: MUAMMO VA YECHIMLAR**

**mavzusidagi  
Respublika ilmiy-amaliy anjuman materiallari**



**Navoiy shahri,  
07.06.2023**

## ЎЗБЕКИСТОНДА КУТУБХОНАЛАР ФАОЛИЯТИ ТАРИХИ (1945-1955 йиллар мисолида)

Джунаев Фарход АбдуСамидович

Навоний давлат педагогика институти таянч докторанти

**АННОТАЦИЯ** Ушбу мақолада мустақиллигимизнинг дастлабки йилларида айниқса, ҳозирда давлатимизда ёш авлоднинг маънавий-интеллектуал салоҳияти, оилу тафаккури ва дунёқарашини юксалтиришда, она Ватани ва халқига муҳаббат ва садоқат туйғуси билан яшайдиган баркамол шахсни тарбиялашда бекиёс аҳамиятга эга бўлган китобхонлик маданиятини оширишга қаратилган кенг кўламли ислохотларнинг амалга оширилиши ҳамда урушдан кейинги йилларда Ўзбекистонда марксизм-ленинизмдан иборат умумий дунёқараш асосида кутубхоналарнинг фаолият олиб бориши, ривожланиши ҳамда кутубхоналарда давр мафқураси талабларидан келиб чиқиб, ўзбек халқининг миллий аъёналарига ёт кўринишдаги тарғибот-ташвиқот ишлари амалга оширилиши каби масалалар ўз аксини топган.

**Калит сўзлар:** кутубхоналар, китобхонлик маданияти, маданий-оқартув муассасалари, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, китоб фондлари, сиёсий-тарбиявий ишлар.

**КИРИШ.** Бугунги кунда давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев жамият ҳаётида энг кадрият ва аъёнларин чуқур қарор топтиришга, хусусан, халқимиз, айниқса, ёш авлоднинг маънавий-интеллектуал салоҳияти, оилу тафаккури ва дунёқарашини юксалтиришда, она Ватани ва халқига муҳаббат ва садоқат туйғуси билан яшайдиган баркамол шахсни тарбиялашда бекиёс аҳамиятга эга бўлган китобхонлик маданиятини оширишга алоҳида эътибор қаратиб, 2017 йил 13 январь ҳамда шу йилнинг 13 сентябрь кунин “Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида”ги [1] ва китобхонликни тарғиб этиш бўйича комиссия тузиш тўғрисидаги қарор ва фармойишлари жойларда маҳаллий ҳокимликлар ҳар бир шаҳар ва туманда китоб савдосига иxtисослашган дўконларни ташкил этиш, уларни қўллаб-қувватлаш мақсадида юридик шахс мақомидаги тадбиркорлик субъектларига фойдаланилмаётган давлат мулки объектларини текин фойдаланиш учун берилишини таъминлаш, уларнинг моддий техник базасини шакллантириш, ва энг асосийси жойларда замонавий типдаги китоб дўконлари ташкил этиш кўзда тутилган.

Шунингдек, 2019 йил 19 мартда ёшларин бўш вақтинин мазмунли ташкил этиш мақсадида «5 муҳим ташаббус» дастурида [2] ҳам айнан ёшларда китобхонлик маданиятини шакллантириш ташаббуси илгари сурилган эди.

**АСОСИЙ ҚИСМ.** Яқин тарихга назар ташласак, совет давлатининг “шаклан миллий” деб аталмиш маданияти, марксизм-ленинизмдан иборат умумий дунёқараш асосига эга бўлиб, у ижтимоий ҳаёт ҳодисаларига синфий ёндашиш, партиявийлик ва халқчиллик ленинча принциплари асосида ривожланди, унинг асосий методи социалистик реализм бўлди. КПСС қатор дастурларида қабул қилинган аҳолини “маърифатли қилиш” вазифаларини амалга оширишда мактабгача тарбия, мактаб, ўрта махсус ва олий таълим тизимидан ташқари, маданий-маърифий ва маънавий таълим муассасалар тармоғи: кутубхоналар, клублар, кинотеатрлар жамоалари олдинга маъсулиятли талаблар қўйилиб, маданий-оқартув ишлари коммунистик партия ташвиқотининг ажралмас таркибий қисмига айлантирилди. Маданий-оқартув муассасалари ҳукмрон партиянинг ташвиқот ва тарғибот олиб боровчи қудратли қуроли сифатида кенг халқ оmmasи онгига янги мафқуранин сингдиришга хизмат қилди.

Урушдан кейинги йилларда Ўзбекистондаги мавжуд кутубхоналар ўз фаолиятларини совет тузуми шароитида амалга ошириб, тарбиявий ишларин яхшилаш ва кенгайтириш мақсадида турли мавзуларда китоб кўрағзалари, маърузалар, мунозаралар, конференция ва кечаларни уюштиришнинг асосий ташкилотчиларидан бирига айланди.

Маданий-оқартув муассасаларига, шу жумладан, кутубхоналарга давлат раҳбарлигини мустаҳкамлаш учун, аҳолининг ўсиб бораётган талабларини анча тўлиқ қондириш учун 1945 йилда СССР Халқ Комиссарлари Кенгашининг қарори билан иттифоқдош республикаларда, жумладан, Ўзбекистон ССРда ҳам маданий-оқартув муассасалари ишлари бўйича кўмиталар ва уларнинг

маҳаллий органлари – илोज, шаҳар ва туман маданий-маърифий ишлари бўлимлари ташкил этилди. [3]

Урушдан кейинги йилларда Ўзбекистон ҳукумати омма орасида олиб бориладиган ташвиқот-тарғибот ишларининг гоявий савиясини кўтаришга, маданий-оқартув муассасаларининг фаолиятини жонлантиришга қаратилган бир қанча қарорлар қабул қилдилар.

Жумладан, 1946 йил 12 мартда Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети “Ўзбекистон ССРда маданий-оқартув муассасалар ишнини яхшилаш тадбирлари тўғрисида” қарор қабул қилиб, унда бир қатор тадбирларни амалга ошириш режаларини тасдиқлади. [4]

Ўзбекистонда мавжуд маданий-оқартув муассасалари бу қарорларни ҳаётга тадбиқ эта бориб, ўзларининг фаолият, доираларини кенгайтирдилар, шу жумладан, маданий-оқартув муассасаларидан бири бўлган кутубхоналарнинг китоб фонди янада тўлдирилди, бу фонднинг муайян қисмини қишлоқ хўжалиги адабиёти ташкил қилди ҳамда китоблар сови кўпайди.

Масалан, 1946 йилда Ўзбекистон ҳудудидаги кутубхоналардаги китобларнинг 11,5% ни сиёсий-ижтимоий соҳа адабиётлари ташкил этган бўлса, 1955 йилда бу рақам 13,7 % га етди. Табиий фанларга оид адабиётлар ўз навбатида 3,1% дан, 2,9%га камайди.[5] Кутубхона фондларида сақланаётган китобларнинг катта қисмини (60-70%) рус тилидаги адабиётлар ташкил этар эди. Қолбуки, Ўзбекистоннинг қолхоз ва совхозларида яшовчи аҳолининг 95-96%ини маҳаллий миллат вакиллари ташкил этар эди. [6] Шунингдек, кутубхоналарни янги адабиётлар билан таъминлашда ҳам турли даражадаги муаммолар мавжуд эди. Китоб фондларида сақланаётган адабиётларнинг катта қисмини сиёсий-мафқуравий характердаги асарлар ташкил этган бўлиб, улар асосан, партия ва совет давлати сиёсати ташвиқоти ва тарғиботига бағишланган эди.

Республика кутубхоналари аҳоли ўртасида олиб борилаётган сиёсий-тарғиботий ишларнинг хилма-хил шакллари, методларини қўллаб, уруш туфайли вайрон бўлган халқ хўжалигини тиклашда бевосита иштирок этдилар.

Республика кутубхоналари агротехника, табиий-илмий билимларни ҳар томонлама тарғиб қилдилар, учрашувлар ўтказиш, суҳбатлар, маърузалар уюштириш, мавзули кўрсатмалар, витриналар ташкил этиш йўли билан қишлоқ хўжалик илгорлари тажрибасини оммалаштирдилар.

1948 йилда кутубхона ходимларининг бўлиб ўтган Республика кенгаши катта аҳамиятга эга бўлди. Кенгаш ишида ҳукумат органларининг ходимлари, ёзувчилар, олимлар, нашриётларнинг, китоб савдоси ташкилотларининг вакиллари ва бошқалар қатнашди.

Кенгашда Ўзбекистондаги кутубхоналар тармоғини қайта тиклашнинг дастлабки натижаларига яқин ясалди, кутубхоналарнинг ёшларни тарбиялашдаги асосий вазифалари илгари сурилди, яқин орадаги истиқболлари белгилаб олинди. Кутубхоначиларнинг анча кенг доирасини илмий ва методик ишларга жалб қилиш, тавсия библиографияси қўлланмалари чиқаришни яхшилаш зарурлиги, республикадаги илмий кутубхоналар фаолиятидаги алоҳидалик ва бир-бирининг ишнини такрорлашни тугатиш зарурлиги кўрсатиб ўтилди.[7]

Республика кенгашининг қарорлари кутубхоналар ишнини жонлантириш ва юксалтиришга ёрдам берди. А.Навоий номи кутубхонада эса методик бўлимлар ташкил этиш мўлжалланди. Бундан мақсад китобхоналарга хизмат кўрсатишнинг илгор усулларини умумлаштириш ва тарғиб қилиш, Ўзбекистондаги барча кутубхоналар ишнини яхшилашдан иборат эди.

Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг 1948 йил 17 ноябрида қабул қилган “Ўзбекистон ССРда кутубхоналар ишнини яхшилаш тадбирлари тўғрисида”ги қарорида Республика кутубхоналарининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, миллий аъёналар асосида ривожлантириш каби масалалар эмас, аксинча партиянинг гоявий-сиёсий мафқурасини тарғиб этиш вазифалари белгилаб берилди. Қарорда аҳоли ўртасида, асосан, сиёсий ва атеистик тарбияни кучайтириш бош вазифа қилиб белгиланди. Шунга мувофиқ, кутубхоналар ишнининг асосий маъмуни динга қарши кураш, ўтмишнинг “зарарли сарқит”ларини қоралаш, партия ва совет давлатини маҳв этиш масалалари ташкил этди.[8]

Бундан ташқари ушбу қарорда 1949 йил 1 январга қадар оммавий кутубхоналар тармоғини тўла-тўқис ташкил этиш, бунинг учун уларга тегишли биноларни ажратиб бериш мўлжалланди. Зарур оммавий-сиёсий адабиёт сотиб олиш учун молиявий органлар ҳар ойда кутубхоналарнинг тивларига қараб, уларга маблағ ажратишлари зарур эди.[9]

Ушбу қарор ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон ССРнинг кўпгина вилоятларида кутубхона муассасаларига бинолар ажратилган бўлса-да, лекин кутубхона тизимига мослаштирилмаган, ҳеч бир қулайликларга эга бўлмаган биноларда фаолият олиб борди.

Кутубхоналарда ишнинг сифатини эмас, сонини ўстириш йўлига эътибор қаратилади. Бу ҳолатнинг тасдиғини қуйидаги жадвалдан ҳам кўриш мумкин.

**Ўзбекистондаги кутубхоналар сони  
(1940-1960 йй.) [10]**

Кутубхоналар сони	Йиллар		
	1940	1950	1960
	1792 та	1527 та	3317 та

Кутубхоналар сонининг ортиб бориши уларни кадрлар таъминлаш ҳамда фаолият олиб бораётган кадрларни малакасини ошириш вазифалари Ўзбекистон ССР Министрлар Советини 1951 йил 2 июнда “Ўзбекистон ССРда кутубхоналар ишнинг яхшилаш тадбирлари тўғрисида”ги қарорини қабул қилинишига олиб келди. Ушбу қарорда вилоятлардаги кўпгина кутубхоначиларнинг савияси паст даражада эканлиги, бу эса аҳолига кутубхона-библиография хизмати кўрсатишга салбий таъсир кўрсатаётгани таъкидланди. [11] Республика Маданият Министрлиги ушбу қарорни турмушга тадбиқ этиш мақсадида, колхозлар маблағи ҳисобига колхоз кутубхоналари ходимларини тайёрлаш учун ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда шуғулланидиган икки ойлик курсларни Тошкент шаҳрида ташкил этди. Республиканинг барча вилоятларидаги кутубхоначилар навбат билан чақирилиб, малакалари оширилди.

1952 йил 10 майда Ўзбекистон КП(б) Марказий Комитетининг бюроси “Қишлоқ клублари ва кутубхоналарининг иши тўғрисида” қарор қабул қилди. Мазкур қарорда қишлоқ кутубхоналари ходимларининг профессионал ўқувини ташкил этиш зарурлиги кўрсатиб ўтилди. Шунга мувофиқ, Ўзбекистон ССР Маданий-оқартув муассасалари бошқармасининг кўрсатмасига мувофиқ, республикадаги вилоят кутубхоналари 1954 йилда ва 1955 йилнинг биринчи кварталда 60 дан ортик турли даражадаги семинарлар ўтказди. Бу семинарларда эса ўз навбатида 600 га яқин кутубхоначи ходим қатнашди. [12]

1953 йилда иттифоқ ва республика маданият вазирликларининг ташкил этилиши китобларни китоб савдоси ва кутубхоналар тармоғи орқали тарқатиш билан боғлиқ бўлган масалаларни мувофиқлаштириш ва комплекс тарзда ҳал қилиш имконини берди. Кутубхоналар тармоғига раҳбарлик қилиш вазифаси маданият вазирликларига топширилди. Бу ҳол кутубхоналар қурилиши соҳасида марказлашган умумиттифоқ тадбирларини амалга ошириш имконини ҳам берди.

Совет ҳукумати томонидан кутубхоналар ишнинг яхшилашга қаратилган тадбирларни амалга оширилишига қарамастан, уларнинг фаолиятини бирданига яхшилашга эришилмади. Лекин 1950 йиллардан бошлаб аста-секин колхоз ва совхозларда янги кутубхоналар ташкил этиш, мавжуд кутубхоналар тармоғини кенгайтириш ва китобхоналарга хизмат кўрсатишда китоб фондларидан барча аҳолининг фойдалана олиши жорий қилина бошланди.

Совет давлатида қабул қилинган норматив ҳужжатларга мувофиқ, 300 нафар китобхонага 1 та кутубхона тўғри келиши режалаштирилган эди. Ҳолбуки, 1950 йилларнинг ўрталарида Республика ҳудудидаги туманларда 4500 китобхонага биттадан кутубхона тўғри келди, холос. [13] Бу ҳолат совет ҳукуматининг Ўзбекистонда маданий-оқартув муассасаларига муносабати қандай даражада бўлганлигига яққол мисол бўла олади.

**ХУЛОСА.** Хулоса қилиб айтганда, урушдан кейинги дастлабки йиллардаёқ Ўзбекистонда кутубхоналар ишнинг янада ривожлантиришни таъминловчи бир қатор муҳим қарорлар қабул қилинди. Бу даврда кўрилган барча чора-тадбирларнинг асосий вазифаси кутубхоналар ишнинг мазмунини чуқурлаштириш, оммавий хизмат кўрсатиш билан бир қаторда алоҳида хизмат кўрсатишни йўлга қўйиш, кутубхоналарнинг китоб фондлари аҳолини яхшилашга жиддий эътибор бериш, кутубхоналарнинг ижтимоий ва сивоий ҳаёт билан боғланишига жиддий эътибор беришдан иборат эди. Кутубхоналар янги аъзоларни жалб қилиш мақсадида меҳнатқашларнинг мустақил билим олишига ёрдам бериш, уларнинг халқ хўжалиги режаларини бажаришларига кўмаклашиши учун кўп ишларни амалга оширдилар. Кутубхоналар ишнинг урушдан кейинги даврда бажарилиши лозим

бўлган катта ва мураккаб муаммолар даражасига кўтариш зарурлиги республика кутубхоналарига илмий методик раҳбарлик қилишнинг муайян даражада мустақамланганини тақозо этди.

1945-1955 йилларда Ўзбекистонда фаолият олиб борган кутубхоналарнинг ишлари яхшилани, китоб фондларини кўпайтириш борасида бир қатор чора-тадбирлар белгиланди. Лекин, замон талабларига жавоб берадиган даражадаги шароит яратишнинг имконияти бўлмади, кутубхоналарда давр мафқураси талабларидан келиб чиқиб, ўзбек халқининг миллий анъаналарига ёт кўринишдаги тарғибот-ташвиқот ишлари амалга оширилди.

#### Фойдаланилган адабиётлар

1. "Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони // <https://lex.uz/docs/3338600>
2. "Ўзбекистон Республикаси Президентининг ёшлар маънавиятини юксалтириш ва уларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш бўйича 5 та муҳим ташаббуси" // <https://kum.uz/news/2019/03/20/prezident-beshita-muhim-tashabbusni-ilgari-surgdi-ular-nima>
3. Маннонов Ю.О, Маълянов К.Ғ. Кутубхоначилик иши тарихи. – Т.: Тафаккур бўстони, 2017.
4. Қосимова О. Ўзбекистонда кутубхоначилик иши тарихи. –Т.: Ўқитувчи, 1977.
5. Народное хозяйство Узбекской ССР за 70 лет советской власти. –Т., 1987.
6. Қосимова О.Ғ, Есимов Т.Б. Умумий кутубхонашunosлик. –Т.: Ўқитувчи, 1994.
7. Маннов Ю.О, Маълянов К.Ғ. Кутубхоначилик иши тарихи.–Т.: Тафаккур бўстони, 2017.
8. Қосимова О. Ўзбекистонда кутубхоначилик иши тарихи. –Т.: Ўқитувчи, 1977.
9. Маннов Ю.О, Маълянов К.Ғ. Кутубхоначилик иши тарихи.– Т.: Тафаккур бўстони, 2017.
10. Қосимова О.Ғ, Есимов Т.Б. Умумий кутубхонашunosлик.–Т.: Ўқитувчи, 1994.
11. Ўзбекистон коммунисти. 1977. - № 5.
12. Маннов Ю.О, Маълянов К.Ғ. Кутубхоначилик иши тарихи.–Т.: Тафаккур бўстони, 2017.
13. Народное хозяйство Узбекской ССР за 70 лет советской власти. –Т.,1987.

## QONUN CHIQARUVCHI HOKIMIYAT SHAKLLANISHINING HUQUQIY ASOSLARI

Salimov Sayyodjon Said o'g'li –  
Navoiy davlat pedagogika instituti tayanch doktoranti

О'з келажиги ва тараққийоти ҳақида қайғ'урадиган ҳар қандай адолатли давлат, албатта, давлат бoshқаруви ва давлат ҳокимиятини ташкил этишда демократија қонун-қоидалари ва тамойиларига таянади. О'збекистон Республикаси ҳам мустақилликка еришгач, о'з oldiga ҳуқуқий, демократик давлат қуриш ва фуқаролик жамийати барпо этишни мақсад қилиб қo'ydi ва давлат бoshқарувида демократија yo'limi таниб oldi. Бу мақсад yo'lida esa О'збекистон кенг қамровли ијтимоий-сийосий, иқтисодий ислохотлари амалга oshirdi. Бу ислохотлари марказида давлат ҳокимиятини ташкил этиш соҳаси долзарб масала сифатида ko'tarildi. Қонун ustuvorligini, insonning ҳуқуқ ва erkinliklari himoyasini ta'minlamasdan turib, demokratik va fuqarolik jamiyatini qurish haqida so'z yuritishga hech qanday asos qolmaydi. Birinchi prezident Islom Karimov —"O'zbekistonning o'z istiqbol va taraqqiyot yo'li" nomli asarida yangilangan jamiyatning siyosiy va davlat tuzilishini quyidagicha ta'riflaydi: —"Qonun chiqaruvchi, ijro etuvchi va sud hokimiyati vakolatlarini ajratish asosida milliy davlatchilikni barpo etish, jamiyatning siyosiy tizimini tubdan yaxshilash, respublika hokimiyati bilan mahalliy hokimiyatning vakolatlari va vazifalarini aniq belgilab qo'yish, adolatli va insonparvar qonunchilikni vujudga keltirish lozim bo'ladi"<sup>23</sup>. Siyosiy hayotni tubdan o'zgartirish ishlarining ko'lamini anglash uchun Sobiq Ittifoqdan, eski mustabid tuzumdan qanday siyosiy meros qolganini yana bir katta eslash zarur bo'ladi. 1924-yilda amalga oshirilgan milliy-hududiy chegaralanish natijasida O'zSSR tashkil topdi<sup>24</sup>. O'zSSRning 1927-yilgi Konstitutsiyasi O'zSSR tashkil topgan va ikki shakllangan davrda paydo bo'lgan davlat hokimiyati va davlat boshqaruvi organlarining tizimi va tarkibiy tuzilishini mustahkamlab berdi. 1927-yilgi Konstitutsiyaga binoan O'zSSR Sovetlarining se'zdlari, MIK, MIK Rayosati va XKS O'zSSRning qonun chiqaruvchi organlari edi. 1927-yilgi Konstitutsiya —ochiq ovoz beriladigan unchalik umumiy bo'lmagan, unchalik teng bo'lmagan, ko'p pog'onali va bilvosita saylov

23 I Karimov I. A. Ўзбекистоннинг 91 истиклол ва тараққийот йўли. – Т.: —Ўзбекистон, 1992. – 16-б.

24 Ўзбекистоннинг янги тарихи. Ўзбекистон Совет муштамлақачилиги даврида. – Т.: —Шарқ, 2000. – 146-б.

“УМИД БИРОДАРЛИГИ ҚАНДАЙ ТАШКИЛОТ ЭДИ ?” З.Т.Тоғайев-НавДПИ Тарих кафедраси тадқиқотчиси.....	168
ЎЗБЕКИСТОНДА КУТУБХОНАЛАР ФАОЛИЯТИ ТАРИХИ (1945-1955 йиллар мисолида) Джунасев Фарход Абдухамидович- Навоий давлат педагогика институти таянч докторанти.....	170
QONUN CHIQARUVCHI HOKIMYAT SHAKLLANISHNING HUQUQIY ASOSLARI Salimov Sayyodjon Said o'g'li - Navoiy davlat pedagogika instituti tayanch doktoranti.....	173
YANGI O'ZBEKISTONDA TA'LIM SIFATINI OSHIRISH ISTIQBOLLARI: OLIB BORILGAN ISLOHOTLAR VA YANGILIKLAR Rahmonova Dilfuza Maxmadovna - Buxoro davlat universiteti o'qituvchisi.....	174
O'ZBEK TILIDA SINONIMLARNING PRAGMATIK TURLARI VA FUNKSIONAL- USLUBIY VAZIFALARI Bazarbayeva Navbahor - Alisher Navoiy nomidagi Toshkent davlat o'zbek tili va adabiyoti universiteti 4-kurs talabasi.....	178
BOSHLANGICH SINIF ONATILI VA O'QISH SAVODXONLIGI DARSLARIDA O'QUVCHILAR SAVODXONLIGI VA NUTQIY KOMPETENTLIGINI TAKOMILLASHTIRISH Ibragimova Maftuna Abdurayimovna-Navoiy davlat pedagogika instituti Ta'lim va tarbiya nazariyasi va metodikasi (boshlang'ich ta'lim) yo'nalishi 2-bosqich magistranti Subxonova Sanobar Abdulhalim qizi -Navoiy davlat pedagogika instituti Ta'lim va tarbiya nazariyasi va metodikasi (boshlang'ich ta'lim) yo'nalishi 2-bosqich magistranti.....	180
MAKTABGACHA TA'LIM TASHKILOTLARIDA ART TERAPIYA LOYIHASI BILAN ISHLASH Jumayev Umedjon To'raqulovich - Buxoro davlat universiteti Maktabgacha ta'lim kafedrasida o'qituvchisi. ....	183
ONA TILI SAVODXONLIK DARSLARIDA INTEGRATSIYA USULLARIDAN FOYDALANIB HALIMA XUDOYBERDIYEVA IJODINI O'RGANISH Eshniyozova Gulhayo Hamroqul qizi - Navoiy davlat pedagogika instituti doktoranti .....	184
МЕТОДИЧЕСКИЕ ОСНОВЫ ИНТЕГРИРОВАННОГО ОБУЧЕНИЯ ПРЕДМЕТАМ НАЧАЛЬНОГО ОБРАЗОВАНИЯ Туракулова С.Б- НавДПИ, студент .....	186
BOLALARNING SEVIMLI SHOIRI Nozima Ochilova - Buxoro davlat universiteti Adabiyotshunoslik (o'zbek) mutaxassisligi 1-bosqich magistranti.....	188

---

**BOSHLANG'ICH TA'LIMNING DOLZARB MASALALARI:  
MUAMMO VA YECHIMLAR**  
mavzusidagi  
Respublika ilmiy-amaliy anjuman materiallari  
**T O' P L A M I**

© Navoiy davlat pedagogika instituti, Navoiy-07.06.2023

Navoiy davlat pedagogika instituti Maktabgacha va boshlang'ich ta'lim fakulteti  
Kengashining 2023-yil 29-maydagi 10-sonli qaroriga asosan nashrga tavsiya etildi.

Bosishga ruxsat berildi: 07.06.2023-y. Qog'oz bichimi 80x64 1/8

Hajmi 12 bosma taboq. Adadi 100 nusxa.  
Bosmaxona manzili: Navoiy shahri, Ibn Sino ko'chasi 45-uy,  
NavDPI kichik bosmaxonasi

---